

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро
стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги Низом**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартлар таркибига Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан қабул қилинган қуйидаги ҳужжатлар киради (кейинги ўринларда АХС деб аталади):

- а) сифат назоратининг халқаро стандарти;
- б) молиявий ахборотлар аудитининг халқаро стандарти;
- в) молиявий ахборотлар аудити амалиёти тўғрисидаги халқаро ҳисоботлар;
- г) обзорли текширишни ўтказиш бўйича топшириқларнинг халқаро стандартлари;
- д) молиявий ахборотларнинг аудити ва обзорли текширувидан фаркланадиган ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари;
- е) аудитга турдош хизматларнинг халқаро стандартлари;
- ж) аудитнинг халқаро стандартларининг ажралмас қисми сифатида Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан белгиланган бошқа ҳужжатлар;
- з) мазкур банднинг “а” – “ж” кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатларга киритиладиган ўзгартиришлар.

2-боб. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун АХС тан олиш

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун АХСни тан олиш деганда қуйидаги ҳаракатларни изчилликда амалга ошириш жараёни тушунилади:

- а) Халқаро бухгалтерлар федерациясидан давлат тилига таржима қилинган АХС матнига бўлган ҳуқуқни берганлигини тасдиқловчи ҳужжатни олиш;
- б) Халқаро бухгалтерлар федерацияси билан АХСнинг рус тилида фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун шартнома тузиш;
- в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг веб-сайтида АХСнинг давлат ва рус тилларидаги матнини эълон қилиш;
- г) давлат ва рус тилларидаги АХС ҳужжатларининг доимий равишда долзарблигини таъминлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда қуйидагиларга йўналтирилган тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди:

АХС ҳужжатлари матнини давлат тилига таржима қилиш ва уларни аудиторлик касби, илмий ва педагогик жамоатчилиги вакиллари билан муҳокама қилиш;

мутахассислар муҳокамалари натижасида келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш ва зарурият бўлганда давлат тилига таржима қилинган АХС ҳужжатлари матнини қайта кўриб чиқиш;

Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан давлат тилига таржима қилинган АХСнинг тан олиншини таъминлаш.

5. Экспертиза натижалари хулоса шаклида расмийлаштирилади ва унда қуйидаги якуний фикрлардан бири акс эттирилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида АХС ҳужжати тўлиғича қўллаш мумкинлигини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида АХС ҳужжатининг айрим қоидаларини чиқариб ташлаган ҳолда қўллаш мумкинлигини тасдиқлаш ва бунда ушбу ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши мумкин бўлмаган қоидаларини кўрсатиш;

АХСнинг алоҳида ҳужжати Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш мумкин эмаслигини тасдиқлаш тўғрисида хулоса бериш.

Давлат тилига таржима қилинган АХС буйича эксперт хулосаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларининг ваколатли вакиллари томонидан тайёрланади ва имзоланади.

6. Эксперт хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан келишган ҳолда қарор қабул қилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида АХС ҳужжати тўлиғича амал қилишга киритиш тўғрисида;

Ушбу Низомнинг 5-банди учунчи кичик бандида назарда тутилган АХС ҳужжатининг айрим қоидаларини чиқариб ташлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга киритиш тўғрисида;

7. Ушбу Низомнинг 5-банди тўртинчи кичик бандида назарда тутилган ҳолларда берилган эксперт хулосасида АХС ҳужжати Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашни тасдиқлашга олиб келиши мумкин бўлган шартлар ва шароитлар кўрсатилиши лозим.

8. Давлат тилига таржима қилинган АХС ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги веб-сайтида эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун тан олинган АХС ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қуйидаги тартибда қабул қилинади:

экспертиза натижаларига кўра худди мазкур Низомда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида АХС ҳужжати амалга киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш каби;

экспертизадан ўтказмаган ҳолда Халқаро бухгалтерлар федерациясининг АХС ҳужжатини тўлиқ ёки унинг алоҳида қоидаларининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори асосида.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг веб-сайтида эълон қилинган маълумотлар қилинади:

экспертизадан ўтказиш натижалари;

давлат тилига таржима қилинган АХС ҳужжатининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор.

11. Агарда АХС ҳужжатининг давлат тилидаги матни билан ушбу ҳужжатнинг инглиз тилидаги матни ўртасида фарқ аниқланса, давлат тилидаги матнга аниқлик киритиш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан амалга оширилади.